59-к/л

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

## ҚАРОР

**2019 йил “31” июль** **№ 59-к/л, 286/1** **Тошкент ш.**

**Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошлари миқдорини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 июлдаги ПФ-5765-сонли “Иш ҳаки, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сонли “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг 4-илова 11-бандини бажариш мақсадида

## ҚАРОР ҚИЛАМИЗ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳаки миқдори ошиши муносабати билан олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан қайта ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. 2019 йил 1 августдан олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркибининг базавий лавозим маошлари миқдори 1 - иловага, раҳбар ходимлари меҳнатига ҳак тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдори 2 - иловага ҳамда бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорлари 3 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика олий таълим муассасалари ректорлари, филиаллар директорларига:

- олий таълим муассасаси раҳбар, профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимлари иш ҳақларини иловадаги базавий лавозим маошлари миқдорлари бўйича ўз вақтида қайта ҳисоб-китоб қилиш;

- 2019 йил 1 августдан эътиборан олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорини ўзгариши муносабати билан қўшимча талаб этиладиган маблағлар билан ўз вақтида таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлигининг 2018 йил 29 октябрдаги 72-к/қ, 22-22-қ/қ-сонли қарори 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарор ижросини назорати Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари С.Бузрукхонов, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирнинг биринчи ўринбосари Э.Мухитдиновлар зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири** — **И.Маджидов**

**Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири** — **Ш.Кудбиев**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил "31" июлдаги 35 [illegible] - сон қарорига
1-Илова

## Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари
## М И Қ Д О Р И

(сўм)

| Лавозимлар номи | Базавий лавозим маошлари миқдори |
|---|---|
| **1. Кафедра мудири:** | |
| фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган | 7 042 200 |
| фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган | 6 606 600 |
| илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган | 5 826 150 |
| **2. Профессор:** | |
| фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган | 6 715 500 |
| фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва доцент илмий унвонига эга бўлган | 6 316 200 |
| фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган | 6 025 800 |
| **3. Доцент:** | |
| фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган | 5 680 950 |
| фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган | 5 317 950 |
| илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган | 4 755 300 |
| **4. Катта ўқитувчи:** | |
| илмий даражага ва илмий унвонга эга бўлган | 4 954 950 |
| илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлган | 4 664 550 |
| илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган | 4 265 250 |
| **5. Ассистент, ўқитувчи:** | |
| илмий даражага ва илмий унвонга эга бўлган | 4 374 150 |
| илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлган | 4 083 750 |
| илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган | 3 793 350 |
| **6. Ўқитувчи-стажер** | 3 357 750 |

**Изоҳлар:**

1. Ушбу иловада назарда тутилган базавий лавозим маошлари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида (марказлар, институтлар, факультетларда) тегишли лавозимлар учун ҳам қўлланилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

2. Профессор унвонига эга бўлмаган, бироқ фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган, профессор лавозимига бир муддатга қабул қилинган шахсларга базавий лавозим маоши 2019 йил 1 августдан бошлаб - 5 680 950 сўм миқдорда белгиланади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил "31" июлдаги 35/176/1/1/2861/1 - сон қарорига
2-Илова

**Олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари**
**МИҚДОРЛАРИ**

(сўм)

| Лавозимлар номи | Базавий лавозим маошлари миқдори |
|---|---|
| **1. Ректор:** | |
| фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган | 7 477 800 |
| фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган | 7 187 400 |
| **2. Проректор:** | |
| фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган | 7 078 500 |
| фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган | 6 715 500 |
| илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган | 6 171 000 |
| **3. Филиал директори:** | |
| фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган | 7 078 500 |
| фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган | 6 715 500 |
| **4. Филиал директорининг ўринбосари:** | |
| фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган | 6 715 500 |
| фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган | 6 406 950 |
| илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган | 5 935 050 |
| **5. Декан:** | |
| фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган | 6 715 500 |
| фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган | 6 316 200 |
| илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган | 5 680 950 |

| 6. Декан ўринбосари: | |
|---|---|
| фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган | 6 316 200 |
| фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган | 6 025 800 |
| илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган | 4 954 950 |

Изоҳ:

Ушбу иловада назарда тутилган базавий лавозим маошлари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида (институтларда, факультетларда) тегишли лавозимлар учун ҳам қўлланилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил "31" июлдаги 32-2019, 28-2019 сон қарорига
3-Илова

**Олий таълим муассасаларининг бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари**
**М И Қ Д О Р И**

(сўм)

| Лавозимлар номи | Базавий лавозим маошлари миқдори |
|---|---|
| **1. Ахборот технологиялари марказлари муҳандислари:** | |
| 1 – тоифали | 1 009 289 |
| 2 – тоифали | 935 828 |
| Тоифасиз | 865 321 |
| **2. Маданият ва санъат таълим йўналишлари бўйича кадрлар (педагоглар) тайёрловчи олий таълим муассасалари концертмейстерлари:** | |
| Етакчи концертмейстер | 2 475 978 |
| Концертмейстер | 2 203 786 |
| **3. Илмий кенгашнинг илмий котиби, олий таълим муассасаси кенгашининг котиби** | |
| илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлган | 3 109 700 |
| илмий даражага эга бўлмаган | 2 589 400 |
| **4. Ишлаб чиқариш таълими устаси** | **935 828** |

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг “Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошлари миқдорини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори**

**Келишув варақаси**

| | |
|---|---|
| **Киритди:** | **Келишилди:** |
| М. Ҳамраев | Э. Мухитдинов |
| А. Навотный | К. Шарипов |
| | Р. Сулейманова |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА**
**ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ**

**2019 йил 22 апрель**

**3157-сон**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг**

«Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги

# ҚАРОРИ

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги*
*Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни*
*ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIGAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3157
2019 yil 22 апрел

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ

# ҚАРОРИ

## Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги ПФ–5553-сон “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ–3655-сон “Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил 20 июлдаги ПҚ–3876-сон “Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги 312-сон “Ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш 2018 йил 1 ноябрдан бошлаб мазкур қарорга иловада кўрсатилган миқдорларда амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 30 июлдаги 17-2018, 38 ва 20-қ/қ-сон “Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 3054, 2018 йил 15 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 33-сон, 688-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири** **И. Маджидов**

Тошкент ш.,
2019 йил “10” апрель
3-2019 сон

**Халқ таълими вазири** **Ш. Шерматов**

Тошкент ш.,
2019 йил “10” апрель
19-ҚҲ сон

**Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири** **Ш. Кудбиев**

Тошкент ш.,
2019 йил “10” апрель,
15-2019-ҚҲ сон

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг
2019 йил "10" апрелдаги
5-2019, 15-66 ва 15-2019 66-сон қарорига
ИЛОВА

## Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш
## МИҚДОРЛАРИ

1. Олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларида, шунингдек мазкур муассасаларда ташкил этиладиган ўқув курсларида ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари:

| Т/р | Контингент | Ўқув машғулотларини олиб борувчи шахслар | Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини ҳисоблашда қўлланиладиган лавозимлар | Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдори базавий лавозим маошларига нисбатан фоизларда |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Олий таълим муассасалари талабалари | фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар | **Профессор** базавий лавозим маошининг фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган тоифасидан | 1,66 |
| | | фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар | **Доцент** базавий лавозим маошининг фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган тоифасидан | 1,14 |
| | | илмий даражага эга бўлмаган шахслар* | **Ассистент, ўқитувчи** базавий лавозим маошининг илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган тоифасидан | 1,04 |
| 2 | Таянч докторант ва докторантлар, раҳбар ходимлар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича таълим муассасалари (курслари) тингловчилари** | фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар | **Профессор** базавий лавозим маошининг фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган тоифасидан | 2,00 |
| | | фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар | **Доцент** базавий лавозим маошининг фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган тоифасидан | 1,50 |
| | | илмий даражага эга бўлмаган шахслар* | **Ассистент, ўқитувчи** базавий лавозим маошининг илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган тоифасидан | 1,52 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 3. | Курслар тингловчилари, ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти талаб этиладиган лавозимларни эгаллаб турган ишчилар, ходимлар*** | фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар | **Профессор** базавий лавозим маошининг фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган тоифасидан | 1,13 |
| | | фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар | **Доцент** базавий лавозим маошининг фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган тоифасидан | 0,72 |
| | | илмий даражага эга бўлмаган шахслар* | **Ассистент, ўқитувчи** базавий лавозим маошининг илмий унвонига ёки илмий даражага эга бўлмаган тоифасидан | 0,61 |

**) илмий даражага эга бўлмаган, мутахассислик фанлари бўйича машғулот ўтказиш учун жалб қилинадиган шахслар.*

***) олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида машғулотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиладиган шахсларга соатбай иш ҳақи миқдори белгиланган миқдорлардан 25 фоизга кўпайтирилади.*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни тизимли ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида машғулотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиладиган айрим юқори малакали илмий-педагогик кадрларга ва тажрибали амалиётчи мутахассисларга ўқув машғулотларини ўтказганлик учун соатбай иш ҳақи миқдорини белгиланган миқдорлардан 50 фоиз юқори этиб белгилашга ҳақли.*

****) ушбу бандда белгиланган ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тавсиявий хусусиятга эга.*

2. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагог ходимларига ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари:

| Т/р | Контингент | Ўқув машғулотларини олиб борувчи шахслар | Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини ҳисоблашда қўлланиладиган лавозимлар | Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдори базавий лавозим маошларига нисбатан фоизларда |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Академик лицей ўқувчилари | фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар | Олий таълим муассасалари **Профессор** базавий лавозим маошининг фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган тоифасидан | 1,45 |
| | | фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар | Олий таълим муассасалари **Доцент** базавий лавозим маошининг фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган тоифасидан | 0,93 |
| | | бош ўқитувчи | Академик лицей **Бош ўқитувчиси** базавий лавозим маошидан | 1,10 |
| | | етакчи ўқитувчи | Академик лицей **Етакчи ўқитувчиси** базавий лавозим маошидан | 1,10 |
| | | катта ўқитувчи | Академик лицей **Катта ўқитувчиси** базавий лавозим маошидан | 1,10 |
| | | олий маълумотли ўқитувчи | Академик лицей **Олий маълумотли ўқитувчиси** базавий лавозим маошидан | 1,10 |
| | | ўрта махсус маълумотли ўқитувчи | Академик лицей **Ўрта махсус маълумотли ўқитувчиси** базавий лавозим маошидан | 1,10 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 2. | Касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари | фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар | Олий таълим муассасалари **Профессор** базавий лавозим маошининг фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган тоифасидан | 1,45 |
| | | фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар | Олий таълим муассасалари **Доцент** базавий лавозим маошининг фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган тоифасидан | 0,93 |
| | | бош ўқитувчи | Касб-ҳунар коллежи **Бош ўқитувчиси** базавий лавозим маошидан | 1,10 |
| | | етакчи ўқитувчи | Касб-ҳунар коллежи **Етакчи ўқитувчиси** базавий лавозим маошидан | 1,10 |
| | | катта ўқитувчи | Касб-ҳунар коллежи **Катта ўқитувчиси** базавий лавозим маошидан | 1,10 |
| | | олий маълумотли ўқитувчи | Касб-ҳунар коллежи **Олий маълумотли ўқитувчиси** базавий лавозим маошидан | 1,10 |
| | | ўрта махсус маълумотли ўқитувчи | Касб-ҳунар коллежи **Ўрта махсус маълумотли ўқитувчиси** базавий лавозим маошидан | 1,10 |
| | | биринчи малака тоифали ишлаб чиқариш таълими устаси | Касб-ҳунар коллежи **Катта ўқитувчиси** базавий лавозим маошидан | 1,10 |
| | | иккинчи малака тоифали ишлаб чиқариш таълими устаси | Касб-ҳунар коллежи **Олий маълумотли ўқитувчиси** базавий лавозим маошидан | 1,10 |
| | | малака тоифасига эга бўлмаган ишлаб чиқариш таълими устаси | Касб-ҳунар коллежи **Ўрта махсус маълумотли ўқитувчиси** базавий лавозим маошидан | 1,10 |

3. Умумтаълим мактаблари педагог ходимларига ўтган дарси учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари:

| Т/р | Контингент | Ўқув машғулотларини олиб борувчи шахслар | Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини ҳисоблашда қўлланиладиган лавозимлар | Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдори базавий лавозим маошларига нисбатан фоизларда |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Умумтаълим мактабларининг бошлангич ва юқори синфлари ўқитувчилари, ўқитувчи-логопеди, логопедия шохобчаси мудири | олий малака тоифали | **Олий малака тоифали ўқитувчи** базавий лавозим маошидан | 1,20 |
| | | биринчи малака тоифали | **Биринчи малака тоифали ўқитувчи** базавий лавозим маошидан | 1,20 |
| | | иккинчи малака тоифали | **Иккинчи малака тоифали ўқитувчи** базавий лавозим маошидан | 1,20 |
| | | олий маълумотли | **Олий маълумотли ўқитувчи** базавий лавозим маошидан | 1,20 |
| | | ўрта махсус маълумотли | **Ўрта махсус маълумотли ўқитувчи** базавий лавозим маошидан | 1,20 |

**Изох:**

1. Соатбай ҳақ тўлаш миқдори таркибига меҳнат таътили ҳақи киритилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси академиклари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари 15 фоизга оширилади.

3. Конкурс ва танловлар жюрилари аъзолари, шунингдек конкурс ишлари тақризчилари меҳнатига ҳақ тўлашда олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулотлари олиб борганлик учун тўланадиган соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

4. Академик лицейлар ва умумтаълим мактабларига ўқитувчилик фаолиятига меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида жалб этиладиган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига соатбай ҳақ тўлашда олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулотлари олиб борувчи шахслар учун назарда тутилган меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

5. Умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаси ишлаб чиқариш таълими усталари таркиби меҳнатига соатбай ҳақ тўлашда касб-ҳунар коллежларининг ишлаб чиқариш таълими усталари учун назарда тутилган меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

6. Ўқув машғулотларини соатбай ҳақ тўлаш асосида олиб борганлик учун ҳақ тўлаш харажатлари таълим муассасаси харажатлар сметасининг ҳисоб-китоблар йиғилмасида алоҳида қатор билан ажратилган соатбай ҳақ тўлаш фонди маблағлари доирасида амалга оширилади.

7. Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари академик соатдан келиб чиқиб белгиланган.

4. Мазкур ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

**Молия вазири** **Д. Кучкаров**

2019 йил «10» апрель